

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

46-сон
(806)
2017 йил
20 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

1131. «Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги ПФ–5241-сон Фармони

1132. «Республика олий таълим муассасалари бакалавриятга кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги ПҚ–3389-сон қарори

Учинчи бўлим

1133. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини

йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ–2340-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 ноябрдаги 907-сон қарори

1134. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПФ–5024-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ–2915-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 ноябрдаги 915-сон қарори

Бешинчи бўлим

1135. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 28 октябрдаги 29/5-сон «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1697-4*)
1139. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 3 ноябрдаги 20-2017-сон «Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2686-1*)
1140. Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссиясининг 2017 йил 20 сентябрдаги 2-сон «Давлат илмий-техника дастурларини бажаришда иштирок этувчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларини илмий, технологик ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) ва илмий лабораторияларни зарур сарфланувчи материаллар ва бутловчи қисмлар билан узлуксиз таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2947*)
1141. Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссиясининг 2017 йил 20 сентябрдаги 2-сон «Ёш олимларни етакчи хорижий илмий марказлар ва университетларга қисқа муддатли илмий стажировкага юборишни таш-

- кил этиш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2948*)
1142. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 20 октябрдаги 115-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-1*)
1143. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 28 октябрдаги 29/3-сон «Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1477-2*)
1144. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2017 йил 6 ноябрдаги 20-сон «Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларининг 29-бандига қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1988-3*)
1145. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2017 йил 6 ноябрдаги 21-сон «Товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир гувоҳноманинг ҳамда товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш қоидаларининг 16-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2873-1*)
1146. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2017 йил 6 ноябрдаги 22-сон «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1889-3*)
1147. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 8 ноябрдаги 6, к-4-сон «Маиший истеъмолчиларнинг электр

энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2736-1*)

1148. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 3 ноябрдаги 21-2017, 120-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2138-1*)

1151. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 332-В-2, 152, 150, 01/16-1-10/28-сон «Тижорат банклари балансида турган алоҳида объектларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 65-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2589-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 11 ноябрдан 17 ноябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1131 Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва аҳоли сонининг ўсиб бориши ичимлик сувига юқори талабни, ундан оқилона фойдаланиш заруратини, шунингдек, республиканинг сув ресурслари чекланган шароитда замонавий сув тежамкор технологияларни жорий этишни тақозо қилади.

Шу билан бирга, тўпланиб қолган тизимли муаммо ва камчиликлар дебитор қарздорликни камайтиришга, тўлов интизомини мустаҳкамлашга ва тармоқнинг янада ривожланишига тўсиқ бўлмоқда. Жумладан:

биринчидан, сувни ишлаб чиқариш, етказиб бериш, сарфлаш ва истеъмол қилишни ҳисобга олиш тизимининг амалда мавжуд эмаслиги, оқибатда унинг етказиб берилиши, тўловлар ўтказилиши ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати ҳақидаги маълумотларнинг ишончлилиги таъминланмаяпти;

иккинчидан, водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан, жумладан менежмент ва дебитор қарздорлик ундирувини ташкил этиш масалаларининг самарасиз бошқарилиши тармоқнинг тўлиқ зарар билан ишлашига олиб келмоқда;

учинчидан, водопровод ва канализация тармоқлари, сув таъминоти объектларининг эскирганлиги, кўпчилигидан қирқ йилдан ортиқ фойдаланилиши, шунингдек, уларни янгилаш ва модернизация қилиш суръатининг пастлиги, айниқса, жойларда кўплаб исрофгарчилик ва аварияларга, сувни етказишда катта йўқотиш ҳамда узилишларга олиб келмоқда;

тўртинчидан, водопровод-канализация хўжалиги ташкилотларининг электр энергияси учун қарздорлиги юқори даражада;

бешинчидан, водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари ходимларининг касбга тайёргарлик даражаси паст, малакали кадрлар тизимдан чиқиб кетган, ушбу соҳадаги ходимлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолатлари мавжуд.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича таъсирчан чораларнинг кўрилмаслиги аҳолини сув билан барқарор таъминлаш масаласини хавф остига қўяди, сув ресурсларидан ўта нооқилона фойдаланилишига олиб келади

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

ва замонавий сув тежамкор технологияларни жорий этишга тўсқинлик қилади.

Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида бошқарув тизимини, назорат ва ҳисобга олиш механизмларини тубдан такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросига (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

суддан ноқонуний фойдаланиш, водопровод ва канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

сув учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

сув истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимини жорий этиш жараёнини мониторинг қилиш;

сувни сотиш ва истеъмол қилишнинг ҳисобини юритишда иштирок этиш.

2. Белгилансинки, Бюро ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5059-сон Фармони 4-бандида назарда тутилган ҳуқуқлар берилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида:

а) Бюро қуйидагилар учун жавобгардир:

сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

суддан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини, шунингдек, бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган сув ҳажми ва тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган ҳажм ўртасидаги тафовутларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

аниқланган тафовутларни бартараф қилиш механизми бўйича таклифлар киритиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

б) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги қуйидагилар учун жавобгардир:

водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан тузилган шартномаларга мувофиқ сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатилишини, истеъмолчиларга сув барқарор етказилишини таъминлаш;

водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати ҳажмлари ҳақидаги ҳисобот ҳамда ахборотлар, дебитор ва кредитор қарздорлик тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги;

водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан сув таъминоти объектлари, водопровод ва канализация тармоқларининг ҳолати, эксплуатацияси ва уларга таъмирлаш хизмати кўрсатилиши устидан назоратни таъминлаш;

истеъмолчиларга ўрнатилган сув истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарининг алмаштирилиши, ўрнатилиши ва эксплуатация хизмати кўрсатилишини, шунингдек, Бюро билан биргаликда улар пломбаланишини таъминлаш;

техник шартлар берилишини, сув таъминоти ва сув чиқариш тизимига истеъмолчиларни улаш ишларининг амалга оширилишини таъминлаш;

Бюронинг мажбурий талабномасига асосан айрим истеъмолчиларнинг магистрал сув қувурларидан белгиланган тартибда узилишини таъминлаш.

4. 2018 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги тартиб жорий этилсин, унга мувофиқ:

барча гуруҳ истеъмолчиларига сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳолларда, мазкур истеъмолчиларга нисбатан белгиланган тартибда сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан тўлиқ узиш-гача бўлган чоралар кўрилади;

сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган шахсларни қайта улашда I гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида, II ва III гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

истеъмолчи сув истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарининг лозим даражада эксплуатация қилиниши ва созлиги учун жавобгар бўлади.

5. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги:

2017 йил 1 декабрга қадар муддатда туман(шаҳар)лар кесимида 2017 йил 1 ноябрь ҳолатига сув таъминоти ва сув чиқариш хизматидан қарздорлиги мавжуд бўлган истеъмолчиларнинг шахсий рўйхатини, шу жумладан истеъмолчи — юридик шахслар билан қарздорликни таққослаш бўйича мавжуд далолатномаларни Бюрога тақдим этсин;

2017 йил 1 декабрга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда тушумларнинг ҳаққоний ҳисобини юритиш ва пул маблағларининг ҳаракатини Бюро томонидан мониторинг қилишни таъминловчи, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматидан тушган маблағларни ягона банк ҳисобрақамларида жамлаш тизимини жорий этсин;

икки ой муддатда тегишли функцияларнинг Бюрога ўтказилишини ҳисобга олган ҳолда «Сувоқова» ва «Сувсоз» давлат унитар корхоналарининг назоратчи штат бирликлари қисқартирилишини таъминласин;

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бюро билан биргаликда Бюро томонидан сув истеъмолчиларидан ундириладиган пул маблағларидан Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасига ўтказиладиган ажратмалар миқдорларини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2017 йил 10 декабрга қадар муддатда Истеъмолчиларга сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидаларига ушбу Фармон талабларини инобатга олган ҳолда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик суvidан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда сувни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва тақсимлашда йўқотишларни аниқлаш тартибини тасдиқласин;

2018 йил 1 январга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда сувни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва тақсимлашни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ягона автоматлаштирилган тизимини яратиш ҳамда жорий этишни, шу жумладан сув тақсимлаш тармоқларида ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2018 йил 1 январга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик суvidан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда сув таъминоти ва сув чиқариш тизими объектларини муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2018 йил 1 апрелга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик суvidан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Бюро, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларининг барча гуруҳ истеъмолчиларини инвентаризация қилсин, шунингдек, истеъмолчилар ҳақида ягона электрон маълумотлар базасини яратиш ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларга тузатишлар киритиш билан бир вақтда сув таъминоти ва канализация тизими объектларини технологик аудитдан ўтказсин;

2019 йил 1 январга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Бюро, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда водопровод-канализация хўжалиги объектлари ва иншоотларига кадастр ҳужжатларини расмийлаштирган ҳолда уларни инвентаризациядан ўтказсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ой муддатда водопровод-канализация хўжалиги ташкилотларининг рентабеллигини таъминловчи қулай тарифларни белгилаш механизмларини назарда тутган ҳолда Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тарифларни белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

2018 йил 1 январдан бошлаб сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун янгиланган тарифларни жорий қилишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Сув истеъмолчилари — бюджет ташкилотларини замонавий сув истеъмолини ҳисобга олиш ускуналари билан босқичма-босқич жиҳозлаш бўйича чоратадбирлар дастурини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда хўжалик-ичимлик сув таъминотини таъминлаш учун ер усти сувлари чиқарилишининг ўз вақтида амалга оширилиши устидан назоратни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой муддатда мазкур Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ташкилий-штат тузилмаси ва Низомига ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича таклифларни киритсин.

10. Бюро ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом;

Истеъмолчиларни сув қувурлари, водопровод ва канализация тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Молия вазирлигининг Давлат молия назорати бош бошқармаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Марказий банк ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари фаолиятини:

бошқарув ва назорат тизимининг самарадорлиги, ташкилий-штат тузилмаси ҳамда ходимлар сонининг асослилигига;

сувни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ҳамда хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш бўйича амалдаги техник регламентларга;

амалдаги ишлаб чиқариш-техника инфратузилмаси ва қувватларининг ҳолатига;

сув водопровод-канализация хўжалиги ташкилотларининг рентабеллиги, замонавий сув ва энергия тежамкор технологияларни жорий этиш даражасига;

сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нарх-навони шакллантириш ва тарифларнинг асослилиги, ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолатига;

сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатишдан келиб тушадиган пул маблағларидан мақсадли фойдаланилганлигига;

дастурлар, инвестиция ва бошқа лойиҳаларни рўёбга чиқариш ҳолати, амалга ошириладиган молиявий қўйилмалар ва жалб этиладиган, биринчи навбатда, хорижий инвестицияларнинг самарадорлигига;

кредит маблағларидан мақсадли фойдаланилишига;

молия-хўжалик фаолияти натижалари, дебитор ва кредитор қарздорлик ҳолати, уларни камайтириш бўйича қўриладиган чораларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда танқидий ўргансин.

Ўрганиш натижалари бўйича 2018 йил 10 январга қадар муддатда сув таъминоти ва сув чиқаришни бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ёш авлодда сувга нисбатан тежамкорона муносабатда бўлиш ва ундан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўрсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Бош прокуратураси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти, шу жумладан сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш зарурлиги, шунингдек, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Бюро ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 16 ноябрь,
ПФ–5241-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**1132 Республика олий таълим муассасалари бакалавриатига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида***

Республика олий таълим муассасаларида ўқув жараёнларини такомиллаштириш, ёшларга замонавий талаблар асосида таълим бериш бугунги куннинг асосий масалаларидан биридир. Бу борада олий таълим муассасаларига кириш тест синовларини адолатли, холис ва шаффоф ўтказиш орқали пухта билимли ёшларнинг ўқишга қабул қилинишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Лекин бугунги кунда тест синовлари орқали олий таълим муассасалари бакалавриатига талабаларни қабул қилишда бир қатор камчиликлар мавжуд. Жумладан, кейинги йилларда тест синовларини ўтказиш тартиб-қоидалари, тест синовлари натижаларини эълон қилиш ва уни такомиллаштириш борасидаги олиб борилаётган ишлар бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бера олмаяпти. Бу ҳол манфаатдор жамоатчиликнинг, айниқса, ота-оналарнинг тест синовларини ўтказиш жараёнларига ҳақли равишдаги эътирозларини келтириб чиқармоқда ва ҳар йили уларнинг ушбу масала юзасидан қарийб 4 мингдан зиёд асосли мурожаатлари келиб тушмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кириш тест синовлари топшириқлари ва уни ўтказиш талаблари қобилиятли ёшларни олий таълимга қабул қилиш мезонларига тўла жавоб бермайди. Айниқса, ижодкорлик ва индивидуал маҳоратни талаб этадиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, мусиқий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига иқтидорли ёшлар ўрнига, ушбу соҳаларда етарли иқтидорга эга бўлмаган ёшлар тест синовлари орқали ўқишга қабул қилинмоқда.

Республика олий таълим муассасаларига кириш учун тест синовларини ўтказишнинг моддий-техник таъминоти билан боғлиқ масалаларни ҳам бутунлай қайтадан кўриб чиқиш тақозо этилмоқда. Зеро, бугунги кунда тест синовлари натижалари 2000 йилда харид қилинган 4 та оптик сканер орқали чиқарилиши, тест материалларини чоп этишга мўлжалланган офис техникаси (принтер ва компьютерлар) маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскириб кетганлиги оқибатида тест синовлари натижалари қарийб 15 — 20 кунга чўзилиб эълон қилиниши бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш учун олий таълим муассасаларининг бакалавриатига қабул қилиш бўйича ўтказиладиган кириш тест синовларини такомиллаштириш, унинг адолатли, холис ва шаффоф ўтказилишини ташкил этиш мақсадида:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда Давлат тест маркази деб аталади)нинг олий таълим муассасалари бакалавриятга ўқишга қабул қилиш (кейинги ўринларда олий таълим муассасасига қабул қилиш деб аталади) бўйича кириш тест синовларини ўтказиш тизимини такомиллаштириш юзасидан қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасасига қабул қилиш бўйича кириш тест синовларини 1 августдан 15 августгача бўлган даврда ўтказиш;

кириш тест синовлари натижаларини тест ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилиш;

абитуриентдан алоҳида иқтидор талаб этиладиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, муסיқий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига қабул қилишни кириш тест синовларисиз, ижодий имтиҳонлар орқали амалга ошириш.

2. Давлат тест маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш бўйича кириш тест синовлари Тошкент шаҳрида «Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазмалар мажмуаси павильонлари ҳамда унинг ҳудудида ўрнатиладиган қўшимча йўғма павильонларда, шунингдек, катта сифимдаги бошқа биноларда, вилоят марказларидаги Олимпия захиралари коллежлари ёки бошқа ташкилотларнинг катта сифимдаги биноларида ўтказилишини, тест жараёнининг максимал даражада ошқора ва шаффофлигини таъминлаб, видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан абитуриентлар ота-оналарининг кириш тест синовларини онлайн режимида кузатиб боришларига имконият яратилишини таъминласинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

тест синовлари ўтказиладиган бино ва павильонларни зарур мебеллар (стол, стул, доска ва бошқа зарур воситалар) билан жиҳозланишини;

Давлат тест марказининг ҳудудий вакиллари учун зарур моддий-техник воситалар билан тўлиқ жиҳозланган алоҳида хона ажратилишини;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда катта сифимдаги биноларни тест синови жараёнини видеокузатувлар орқали онлайн тизимида кўрсатиб ўтказиш учун зарур моддий-техник воситалар билан тўлиқ жиҳозланишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

тест материалларини тайёрлаш ва тест синовлари натижалари ўз вақтида эълон қилинишини таъминлаш мақсадида Давлат тест марказига замо-

навий моддий-техник воситалар ва жиҳозлар харид қилиш учун 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин;

Давлат тест марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда олий таълим муассасаларининг оширилган тўлов-контракт тушумлари (5 фоизгача миқдорда) ҳисобига бир ой муддатда Давлат тест маркази ҳузурида Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармасини ташкил этсин. Бунда Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилиши белгилаб қўйилсин:

Давлат тест марказининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

хорижий давлатларнинг ўқув ва илмий муассасаларида Давлат тест маркази ходимларининг малакасини ошириш;

Давлат тест маркази ходимларини моддий рағбатлантириш.

5. Давлат тест маркази Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Давлат тест маркази ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва унинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги республикада амалга оширилиши режалаштирилаётган «Хавфсиз шаҳар» тизимини яратиш дастури доирасида тест синовлари жараёнини ёритиш мақсадида шахсни идентификациялаш воситалари, видеофиксация қурилмалари, металлодетекторлар, мониторлар ва йиғма павильонларни харид қилсин ҳамда уларни давлат мулки сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилишини таъминласин.

7. Давлат тест маркази Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда тест синовларини ўтказиш жараёни иштирокчиларининг масъулиятини янада ошириш ва уларнинг жавобгарлигини белгилаш бўйича қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Давлат тест марказининг ходимларнинг чекланган сони 150 нафар бўлган янгиланган тузилмасини тасдиқлаш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги Ҳукумат қарорини бир ой муддатда қабул қилсин.

9. Давлат тест маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н. Юнусходжаев ва Ўзбекистон Респуб-

ликаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори
М.М. Каримов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 16 ноябрь,
ПҚ-3389-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1133 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ–2340-сон қарори)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ–2340-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, республика иқтисодиётида давлат иштирокини қисқартириш ҳисобига республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг роли ва мавқеини тубдан ошириш, давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва хусусийлаштириш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 13 ноябрь,
907-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 14 ноябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 13 ноябрдаги 907-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 16 мартдаги 140-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 3-сон, 16-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тўғрисидаги низомнинг III бўлимида:

а) саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) тўққизинчи — ўн тўртинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги 22-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 1-сон, 6-модда) билан тасдиқланган Уй-жой-коммунал хизматлари кўрсатиш бўйича Ягона буюртмачи хизмати тўғрисидаги вақтинчалик низомнинг 4-бандидаги «тегишли шаҳар (туман) ҳокими қарори асосида давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилади, ҳоким, шунингдек, Ягона буюртмачи хизматининг ушбу Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган Уставини ҳам тасдиқлайди» сўзлари «белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарори билан давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилади» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 290-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 9-бандида:

а) тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) ўнинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 мартдаги 113-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 26-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси тўғрисидаги низом 11-бандининг саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 77-модда) билан тасдиқланган Давлат корхоналари тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«давлат корхонасининг муассиси (кейинги ўринларда муассис деб аталади) — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг томонидан ваколат берилган давлат органлари»;

б) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Давлат унитар корхоналари истисно ҳолатларда фақат Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ташкил этилиши мумкин»;

в) 10-банднинг биринчи хатбошидаги «Давлат бошқаруви органлари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан таъсис этилган» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 12-банднинг ўнинчи хатбошидаги ва 24-банддаги «Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси» сўзлари «Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик шахсларнинг номлари ва рамзларида давлатнинг расмий номидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 11 октябрдаги 286-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 10-сон, 107-модда) 1-банди учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра ташкил этиладиган давлат унитар корхоналари ҳамда давлат органлари ва республика аҳамиятига молик ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган давлат муассасалари».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 12-сон, 139-модда) билан тасдиқланган Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низом 6-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарори билан» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 421-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 119-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бош бошқармаси ҳақидаги низом 11-бандининг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 530-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 30-сон, 734-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тўғрисидаги низом 11-банди «в» кичик бандининг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 августдаги 606-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 32-сон, 818-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тўғрисида низом 13-банди «г» кичик бандининг бешинчи хатбошидаги «ўқув ва реабилитация марказларини ташкил этади» сўзлари чиқариб ташлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 13 ноябрдаги 907-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат активларини сотишдан тушган, хўжалик бошқаруви айрим органлари устав фондини шакллантириш учун берилган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида» 2007 йил 25 сентябрдаги 202-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2007 й., 39-сон, 403-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2013 йил 9 сентябрдаги 244-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 9-сон, 64-модда) 1-илованинг 56-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 19 июндаги 391-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 106-модда) 2-илованинг 7-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1134 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПФ–5024-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ–2915-сон қарори)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПФ–5024-сон Фармонини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ–2915-сон қарорини ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Режа-жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Т.Қўчқоров зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 14 ноябрь,
915-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 15 ноябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 14 ноябрдаги 915-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги 15-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг идоралараро тусдаги халқаро шартномаларини тузиш, бажариш, тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш тартибида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 1-сон, 3-модда):

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикасининг экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари билан боғлиқ бўлган идоралараро тусдаги халқаро шартномаларини тузиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан айни бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини хабардор қилган ҳолда тақдим этилади»;

б) 3-банднинг ўн бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан»;

в) 5-банддан иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 мартдаги 104-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 3-сон, 9-модда):

а) 1-банддаги «Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг иккинчи хатбошидаги «Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси» сўзлари «Давлат экология қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 8-банднинг тўққизинчи хатбошидаги «Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси» сўзлари «Давлат экология қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар кадастри Давлат экология қўмитасининг уч даражадаги органлари:

туман (шаҳар) ва вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) даражасида — биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш ҳудудий инспекциялари томонидан (кейинги ўринларда биохилмахиллик бўйича ҳудудий инспекциялар деб аталади);

республика даражасида — Давлат экология қўмитаси ҳузуридаги Биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси томонидан юритилади.»;

д) 13-банддаги «Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси» сўзлари «Давлат экология қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 15 — 17-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Туман ва вилоят даражаларида 2-т, 3-т, 4-т, 5-т, 7-т шакллар бўйича маълумотлар биохилмахиллик бўйича ҳудудий инспекцияларга (объект жойлашган жойдаги) муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар раҳбарлари* томонидан ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 февралигача тақдим этилади.

6-т ва 7-т шакллар бўйича маълумотлар ерларни ҳисобга олиш ҳужжатлари асосида биохилмахиллик бўйича ҳудудий инспекциялар томонидан тайёрланади.

Биохилмахиллик бўйича ҳудудий инспекциялар тақдим этилган маълумотлар (ҳисоботлар)нинг тўғрилигини аниқлайдилар, туман (шаҳар) бўйича муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар рўйхатини тузадилар (1-т йиғма шакл), барча кадастр материалларини 1-т, 2-т, 3-т, 4-т, 5-т, 6-т, 7-т шакллар бўйича 1 мартгача туман ҳокимликлари билан келишадилар.

16. Вилоят даражасида олинган материаллар биохилмахиллик бўйича ҳудудий инспекциялар томонидан умумлаштирилади ва таҳлил қилинади, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан келишиб олинади ҳамда 1 апрелгача 1-0, 2-0, 3-0, 4-0, 5-0, 6-0 шакллар бўйича Давлат экология қўмитаси ҳузуридаги Биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига юборилади.

17. Республика даражасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри Давлат экология қўмитаси ҳузуридаги Биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси томонидан юритилади.».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича экспорт ва импорт қилинадиган махсус товарлар (ишлар ва хизматлар) рўйхатининг «Рухсат бериш ваколати бўлган органлар» устунда:

а) 6-позициядаги «Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-банддаги «Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг биологик ранг-барангликни сақлаш бўйича миллий стратегияси ҳаракатлар режаси тўғрисида» 1998 йил 1 апрелдаги 139-сон қарорининг 1 ва 2-бандларидаги «Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Озон қатламини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 24 январдаги 20-сон қарорида:

57. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 августдаги 243-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 8-сон, 92-модда) билан тасдиқланган Нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган худудларда яшовчи фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банддаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

«I босқич»-позициясининг «Масъуллар» устунидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин»;

«III босқич»-позициясининг «Масъуллар» устунидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин.

58. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 10-сон, 104-модда) билан тасдиқланган Давлат мулки объектларини танлов савдоларида ва тўғридан-тўғри

музокаралар ўтказиш йўли билан сотишда инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг энг кам миқдорини ва турларини белгилаш, шунингдек давлат мулки объектларининг олди-сотди шартномаларининг харидорлар томонидан бажарилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 24-банди еттинчи хатбошидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

59. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 октябрдаги 295-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҚТ, 2014 й., 10-сон, 109-модда) билан тасдиқланган Чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-банддаги, 7-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги, 8-банднинг учинчи хатбошидаги, 11-банднинг иккинчи хатбошидаги, 13-банднинг биринчи хатбошидаги, 15-банднинг биринчи хатбошидаги, 17-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 18-банддаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг «Махсус ваколатли давлат органлари» позициясидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

60. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 376-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 12-сон, 137-модда) билан тасдиқланган Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илова 20-23-позицияларининг «Ваколатли орган номи» устунидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

61. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли пунктларида давлат капитал қўйилмалари ҳисобиغا ичимлик сув таъминотини ва оқова сув хизматини яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида» 2015 йил 3 февралдаги 19-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 2-сон, 6-модда):

а) 3-иловада:

6-банднинг ўн биринчи хатбошидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банднинг учинчи хатбошидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

28-банднинг биринчи хатбошидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг «2 босқич» позициясида:

«Тадбирлар» устунининг иккинчи блокадаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Масъул ижрочилар» устунининг иккинчи блокадаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-илованинг 9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари бошлиғи».

62. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 июлдаги 220-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҚТ, 2015 й., № 7, 66-модда) билан тасдиқланган Халқаро тиббий-санитария қоидаларини татбиқ этиш доирасида ўз ваколатлари доирасида тиббий-санитария чораларини амалга оширишга масъул давлат ва хўжалик бошқаруви органлари рўйхатининг 9-бандида «табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

63. Вазирлар Маҳкамасининг «Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш, 2015 — 2018 йилларда Оролбўйи минтақасини қайта тиклаш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 29 августдаги 255-сон қарорида:

а) 3-иловадаги 15 ва 16-позицияларнинг «Ижрочилар ва имкониятли донорлар» устунидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-иловада:

1-бўлимда:

1, 1.1, 1.2, 1.3, 1.4-позицияларнинг «Ижрочилар ва имкониятли донорлар» устунидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин;

1.5-позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

1.5.	Давлат экология қўмитаси Аналитик назоратга ихтисослаштирилган марказининг идоравий таҳлил хизматини жиҳозлаш	1,8			1,8	2017 — 2019	Давлат экология қўмитаси, МОМЭИ	
------	---	-----	--	--	-----	-------------	---------------------------------	--

»;

II бўлим 1, 2, 3, 5, 6, 7, 9, 10, 12-позицияларининг «Ижрочилар ва имкониятли донорлар» устунидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6б-илованинг I-бўлими (I. Саноат лойиҳалари) 1 ва 2-позицияларининг «Ижрочилар/шериклар» устунидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин

г) 7б-илованинг I бўлими (I. Саноат лойиҳалари) 1 ва 2-позицияларининг «Ижрочилар/шериклар» устунидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин.

64. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 10-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга танлов асосида ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 19-банд тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари билан»;

б) 20-банднинг учинчи хатбошидаги «туман (шаҳар) табиатни муҳофаза қилиш инспекциясининг (Тошкент шаҳрида — Тошкент шаҳри табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг)» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 53-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«танлов ғолиби томонидан атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик бўйича қабул қилинган мажбуриятларга риоя этилиши — Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари»;

г) 2-илованинг тўққизинчи хатбошидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин.

65. Вазирлар Маҳкамасининг «Экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 2015 йил 8 октябрдаги 286-сон қароридан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., № 10, 90-модда):

а) 2-банднинг биринчи хатбошидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 25-банди учинчи хатбошидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг 14-бандидаги ва 16-бандининг иккинчи хатбошидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-илованинг 11-бандидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

66. Вазирлар Маҳкамасининг «Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 2015 йил 8 октябрдаги 287-сон қароридан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 10-сон, 91-модда):

а) 2-банднинг биринчи хатбошидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 16-банди иккинчи хатбошидаги «табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илова 3-бандининг иккинчи хатбошидаги ва 11-бандидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

67. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 319-сон қарори билан тасдиқланган *Металлургия маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича умумий техник регламентининг 51-бандидаги «табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.*

68. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 январдаги 3-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 1-сон, 1-модда) билан тасдиқланган *низомда:*

а) 25-банднинг иккинчи хатбошидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 11-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

11.	Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	Давлат экологик экспертизани ўтказиш босқичида Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Муҳофаза этилувчи табиий ҳудудлар», «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонунларига талаблари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатларнинг истиқболлари ва узоқ муддатли дастурларига мувофиқлиги бўйича бош режасини келишади.
-----	---	--

».

69. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 майдаги 163-сонли қарори билан тасдиқланган 2016-2020 йиллар даврида Тошкент хайвонот боғини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш тадбирлари режасининг 10 ва 11-позициялари «Масъул вазирликлар ва идоралар» устунидagi «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

70. Вазирлар Маҳкамасининг «Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 22 июлдаги 238-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 7-сон, 70-модда):

а) 3-банддаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Давлат экология қўмитасининг мажмуа буюртма қўриқхонаси фаолиятини молиялаштириш қўмита ҳузуридаги Биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг (кейинги ўринларда Биоинспекция деб аталади) маблағлари ҳисобига амалга оширилиши тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.»;

в) 7-бандда:

«Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Давбионазорат» инспекциясининг бюджетдан ташқари жамғармаси»

сўзлари «Биоинспекциянинг бюджетдан ташқари жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1-иловада:

8-банднинг учинчи хатбошидаги «табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

23-банднинг учинчи хатбошидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

41-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«41. Мажмуа буюртма қўриқхонасининг қўриқлов ходимлари экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органлари давлат инспекторларининг барча ҳуқуқ ва имтиёзларидан фойдаланадилар.

Мажмуа буюртма қўриқхонасининг директори ва унинг ўринбосари (мавжуд бўлганда) экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича катта инспекторларга тенглаштирилади, унинг қўриқлаш хизмати ходимлари эса — экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспекторларига тенглаштирилади.»;

46-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари»;

д) 4-иловада:

6-банддаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

14 ва 15-бандлардаги «табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

71. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 12 августдаги 262-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 8-сон, 78-модда) билан тасдиқланган Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига биринчи навбатда уланадиган электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхатининг «Давлат қўмиталари» бўлими 5-бандидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

72. Вазирлар Маҳкамасининг «2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги дастурини тасдиқлаш тўғрисида» 2016 йил 23 августдаги 273-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 34-сон, 404-модда):

а) 4-банддаги ва 5-банднинг биринчи хатбошидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

1-банднинг «Бажарувчилар» устунидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси деб аталади)» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси» (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси деб аталади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

2 — 11, 49 — 63, 65, 67 — 71, 76 — 77-бандларнинг «Бажарувчилар» устунидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банднинг «Амалга ошириш механизми» устуни 4-кичик бандидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига» сўзлари «Давлат экология қўмитаси органларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг «Амалга ошириш механизми» устуни 5-кичик бандидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига» сўзлари «Давлат экология қўмитаси органларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

7 — 9-бандларда:

«Амалга ошириш механизми» устуни 5-кичик бандидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига» сўзлари «Давлат экология қўмитаси органларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм)» устунидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банднинг «Амалга ошириш механизми» устунининг 6-кичик бандидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига» сўзлари «Давлат экология қўмитаси органларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-бандда:

«Амалга ошириш механизми» устунининг 6-кичик бандидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига» сўзлари «Давлат экология қўмитаси органларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм)» устунидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин;

52 — 54-бандларнинг «Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм)» устунидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин;

60-банднинг «Амалга ошириш механизми» устунининг 2-кичик бандидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ахборот марказига» сўзлари «Давлат экология қўмитаси Аналитик назоратга ихтисослаштирилган маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

64 ва 68-бандларнинг «Асосий тадбирлар» устунидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин;

65, 71 ва 76-бандларнинг «Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм)» устунидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин;

71-бандда:

«Асосий тадбирлар» устунидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Кутилаётган натижалар» номли устун қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Давлат экология қўмитаси лабораторияларини (Аналитик назоратга ихтисослашган маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятларнинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ва Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институтининг аналитик назоратга ихтисослашган инспекциялар) реконструкция қилиш ҳамда тўлиқ жиҳозлаш».

73. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 10-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатининг 33-бандидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

74. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган Дори воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентининг 57-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2016 й., № 10, ст. 100) «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

75. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 21 ноябрдаги 389-сон қарори билан тасдиқланган Техник воситаларнинг электромагнит мослиги тўғрисидаги умумий техник регламентининг 24-бандидаги «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

76. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 мартдаги 124-сон қарори билан тасдиқланган Айдар-Арнасой кўллар тизимининг биологик ресурсларини ривожлантириш ва улардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари комплексида:

а) 6, 8 ва 19-позицияларда «Табиатни муҳофаза қилиш давлат» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) изоҳда:

1-банддаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин.

77. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 мартдаги 160-сон қарори билан тасдиқланган 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳаларининг асосий йўналишларининг 19 ва 30-позицияларидаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат» сўзлари «Давлат экология» сўзлари билан алмаштирилсин.

78. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 185-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 4-сон, 40-модда) билан тасдиқлан-

ган Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини, шунингдек муомаладаги дори воситалари ва тиббий буюмларни уларнинг инсон соғлиғига зарарли таъсирини тасдиқловчи фактлар аниқланган тақдирда муомаладан чиқариш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 16-банднинг биринчи хатбошидаги «туман (шаҳар) ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 23-банддаги «Давлат санитария-эпидемиология назорати марказига» сўзлари «Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий органларига, Давлат санитария-эпидемиология назорати марказига» сўзлари билан алмаштирилсин.

79. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 апрелдаги 237-сон қарори билан тасдиқланган Муомалага чиқарилаётган ғилдиракли транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентининг 45-бандида «Табиатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
РЕЖА-ЖАДВАЛИ

Т/р	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасининг номи	Асос	Масъул ижрочилар		Тақдим этиш муддати
			Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси	
1.	Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ҳажмларининг давлат ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида.	<p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон Фармониغا, шунингдек, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» 2016 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ-408-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ва «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2016 йил 21 сентябрдаги ЎРҚ-409-сон Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилмоқда.</p> <p>Лойиҳада ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳисобини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 сентябрдаги 343-сон қарори билан тасдиқланган Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастрини юритиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.</p>	Давлат экология қўмитаси, Давергеодез-кадастр, Давлат ўрмон қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаменти	2017 йил 15 декабрь
2.	Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 31 декабрдаги 491-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон Фармониغا, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2915-сон қарорига, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Республиканинг аҳоли пунктларини ва кишлоқлараро ҳудудларини шаҳарсозлик ҳужжатлари	Давлат экология қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаменти	2018 йил 25 январь

Т/р	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасининг номи	Асос	Масъул ижрочилар		Тақдим этиш мuddати
			Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси	
		билан таъминлашни янада яхшилаш, уларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 24 июлдаги 203-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилмоқда.			
3.	Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 июлдаги 220-сон қарори билан тасдиқланган Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилмоқда. Лойиҳада ер қаъри ва кенг тарқалган фойдали қазилмалар, шунингдек, дарё ўзанларида экологик хавфсиз вазиятни таъминлаш мақсадида ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб бориш тартибини такомиллаштириш назарда тутилган.	Давлат экология қўмитаси, Давлат геология қўмитаси, «Саноатгеоконтх-назорат» ДИ, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаменти	2017 йил 25 декабрь
4.	Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 14-сон қарори билан тасдиқланган Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2915-сон қарорига, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Республиканинг аҳоли пунктларини ва қишлоқлараро ҳудудларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлашни янада яхшилаш, уларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 24 июлдаги 203-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилмоқда.	Давлат экология қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаменти	2018 йил 25 январь
5.	Вазирлар Маҳкамасининг «Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида» 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сонли Фармони, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги 2016 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ-408-сон Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш	Давлат экология қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаменти	2018 йил 1 февраль

Т/р	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасининг номи	Асос	Масъул ижрочилар		Тақдим этиш муддати
			Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси	
		<p>ҳақида» ҳамда «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2016 йил 21 сентябрдаги ЎРҚ–409-сон қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилмоқда.</p> <p>Лойиҳада билан Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, қарорни Овчилик ва балиқчилик хўжалигини юритиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда овчилик ва балиқчилик қоидалари билан тўлдириш назарда тутилган.</p>			

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****1135 Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1697-4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ–3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 сентябрдаги 712-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2017 йил 5 июлдаги ПФ–5106-сон Фармони)»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 9 июндаги 17/2-сон қарори (рўйхат рақами 1697, 2007 йил 18 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 29-30-сон, 308-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 28 октябрь,
29/5-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 14 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил
28 октябрдаги 29/5-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли
асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1¹-банддаги «Камолот» кўп квартирали уйларидаги» деган сўзлар «Ёшлар» уйларидаги» деган сўзларга алмаштирилсин.
2. 7-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1139 «Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2686-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буйруман:**

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2015 йил 11 июндаги 1-2015-сон «Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2686, 2015 йил 19 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 24-сон, 325-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 15 ноябрда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 3 ноябрь,
20-2017-сон

Ўзбекистон Республикаси
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2017 йил 3 ноябрдаги 20-2017-сон буйруғига
ИЛОВА

«Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддимадаги «Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриятга талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сонли қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриятга талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1 ва 4-иловалардаги «испан, араб, форс, дари, хинд, урду, хитой, корейс, уйғур тилларидан бири танланади» деган сўзлар «испан, араб, форс, дари, хинд, урду, хитой, корейс, уйғур, итальян, япон тилларидан бири танланади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 2 ва 5-иловалардаги «ispan, arab, fors, dari, hind, urdu, xitoy, koreys, uyg'ur tillaridan biri tanlanadi» деган сўзлар «ispan, arab, fors, dari, hind, urdu, xitoy, koreys, uyg'ur, italyan, yapon tillaridan biri tanlanadi» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 3 ва 6-иловалардаги «испанский, арабский, персидский, дари, хинди, урду, китайский, корейский, уйгурский» деган сўзлар «испанский, арабский, персидский, дари, хинди, урду, китайский, корейский, уйгурский, итальянский, японский» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган.

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази директори*

М. КАРИМОВ

2017 йил 3 ноябрь

ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА
ДАВЛАТ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

1140 Давлат илмий-техника дастурларини бажаришда иштирок этувчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларини илмий, технологик ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) ва илмий лабораторияларни зарур сарфланувчи материаллар ва бутловчи қисмлар билан узлуксиз таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

[Кўчирма]

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2947*

Кун тартибидаги масалаларни ҳар томонлама чуқур муҳокама қилиб, Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси **қарор қилади:**

2. Давлат илмий-техника дастурларини бажаришда иштирок этувчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларини илмий, технологик ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) ва илмий лабораторияларни зарур сарфланувчи материаллар ва бутловчи қисмлар билан узлуксиз таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири,
Давлат комиссияси раиси

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 20 сентябрь,
2-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 16 ноябрда эълон қилинган.

Фан ва технологиялар бўйича
Давлат комиссиясининг 2017 йил
20 сентябрдаги 2-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Давлат илмий-техника дастурларини бажаришда иштирок
этувчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларини илмий,
технологик ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш
(қўшимча жиҳозлаш) ва илмий лабораторияларни зарур
сарфланувчи материаллар ва бутловчи қисмлар билан
узлуксиз таъминлаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 майдаги 302-сон «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси ҳузуридаги Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) маблағлари ҳисобидан илмий лабораторияларни барпо қилиш ҳамда давлат илмий-техника дастурларини амалга оширишда иштирок этувчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий лабораториялари учун қўшимча замонавий илмий асбоб-ускуналар, зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан узлуксиз таъминлаш бўйича лойиҳалар танловларини ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоида

1. Илмий лабораторияларни барпо қилиш ва давлат илмий-техника дастурларини амалга оширишда иштирок этувчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий лабораториялари учун қўшимча замонавий илмий асбоб-ускуналар, зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан узлуксиз таъминлаш бўйича лойиҳаларни (бундан буён матнда буюртмалар деб юритилади) молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) томонидан тақдим этилган асосланган ҳисоб китобларга асосан Жамғарманинг тегишли молия йили учун Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланадиган Жамғарма даромадлари ва харажатларининг прогноз параметрларида кўзда тутилади.

2-боб. Буюртмалар учун танлов ўтказиш

2. Агентлик томонидан давлат илмий-техника дастурларини бажаришда иштирок этувчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари (бундан буён матнда илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари деб юритилади) ўрта-сида буюртмалар бўйича танлов ўтказилади.

Буюртмалар бўйича танлов ҳар йили август ойида оммавий ахборот воситалари, шунингдек интернет-нашрлар, жумладан Агентликнинг расмий веб-сайтида 2 ой муддатга эълон қилинади.

Илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари буюртмалари улар бево-сита бўйсунувчи вазирлик ёки идораларнинг расмий хати асосида Агентликка тақдим этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларида белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан со-тиб олиниши кўзда тутилган илмий асбоб-ускуналар Жамғарма маблағлари ҳисобидан танловдан ташқари мақсадли тарзда молиялаштирилади.

4. Илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг буюртмаларига қўйидаги ҳужжатлар илова қилиниши зарур:

илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг расмий мурожаати;
буюртманинг илмий ёки иқтисодий самарадорлиги юзасидан тўлиқ маъ-лумот;

буюртманинг тўлиқ спецификацияси;
ишлаб чиқарувчи ёки расмий етказиб берувчи вакилларнинг дастлабки тижорат таклифлари ҳамда ишлаб чиқарувчи давлат номи.

5. Илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалар буюртмани тақдимот шаклида ҳимоя қиладилар.

6. Умумлаштирилган буюртмаларни ўрганиш ва асосли хулосалар олиш мақсадида Агентлик томонидан эксперт гуруҳлари шакллантирилади.

7. Эксперт гуруҳлари Агентликнинг буйруғи асосида ҳар йили янги таркибда тузилади.

Эксперт гуруҳларига қўйиладиган техник вазифа, шу жумладан Буюрт-маларни танлаб олиш талаблари (меъёрлари) Агентлик томонидан тасдиқ-ланади.

8. Эксперт гуруҳлари ўз йўналиши бўйича камида 5 йил меҳнат стажи-га эга бўлган юқори малакали (турли вазирлик, идоралар, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари) камида 7 нафар мутахассислардан иборат бўлган қўйидаги йўналишларда тузилади:

Давлат ва жамият қурилиши;
Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик ва қайта тикланувчи энер-гия манбалари;

Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари;

Қишлоқ хўжалиги;

Тиббиёт ва фармакология;

Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар;

Геология-минералогия, сейсмология ва сейсмик барқарорлик.

Бунда эксперт гуруҳи раҳбари, зарур ҳолларда тор ихтисослашувдаги кўшимча мутахассисларни (шу жумладан, ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларидан) экспертиза ишига жалб қилиши мумкин. Эксперт гуруҳи таркибининг сони тоқ бўлиши лозим.

Агентлик йирик буюртмаларни амалга оширишда эксперт гуруҳлари фаолиятига Жамғарма билан келишилган ҳолда халқаро маслаҳатчиларни жалб қилиши мумкин.

9. Эксперт гуруҳлари 2 ойлик муддатда киритилган буюртмаларни тўлиқ ва ҳар томонлама чуқур кўриб чиқиб, ўз йўналишлари бўйича якуний хулосани Агентликка тақдим этади.

Эксперт гуруҳлари якуний хулоса тайёрлашда Буюртмаларнинг тегишли илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаси учун принципиал жиҳатдан янги, замонавий ва юқори технологик ускуналар билан жиҳозланишига, шунингдек, тегишли тармоқ ёки соҳани эҳтиёжлари ва талабларига мослигига алоҳида эътибор ва устуворлик беришлари лозим.

10. Эксперт гуруҳи мажлисини ўтказиш учун кворум унинг таркибининг 70 фоизини ташкил этиши керак. Эксперт гуруҳининг барча мажлислари ва қабул қилинган қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилади. Кўрилатган масала бўйича қарор эксперт гуруҳи аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

11. Эксперт гуруҳларининг якуний хулосаларига мувофиқ танлаб олинган буюртмаларни амалга ошириш (сотиб олиш) харажатлари тегишли молия йилида Жамғарманинг ушбу мақсадлар учун режалаштирилиши кутилатган маблағлари доирасида бўлиши зарур.

12. Агентлик эксперт гуруҳларининг якуний хулосаларини умумлаштириб, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссиясига киритади. Буюртмалар рўйхати Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланганидан сўнг Жамғарма томонидан молиялаштирилади.

13. Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган буюртмаларнинг бирламчи ҳужжатлари ҳамда тегишли йўналишдаги эксперт гуруҳларининг якуний хулосалари нусхалари Агентлик томонидан (аслига тўғрилигини тасдиқловчи муҳр билан) Жамғармага киритилади.

3-боб. Буюртмаларни молиялаштириш

14. Жамғарма Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган буюртмалар рўйхатини «Ўзтрейд» АЖга хорижий етказиб берувчиларни ва ишлаб чиқарувчиларни ўрганиш ва танлаш учун тақдим этади.

15. «Ўзтрейд» АЖ буюртмалар бўйича аниқланган хорижий етказиб берувчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини якуний танлаш ва техник хулоса олиш учун эксперт гуруҳларига киритади. Бунда Жамғарма «Ўзтрейд» АЖга буюртмалар бўйича аниқланган хорижий етказиб берувчи-

лар ва ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини эксперт гуруҳларининг якуний техник хулосаси асосида танланган хорижий етказиб берувчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг рўйхатини киритади.

16. Янги ва замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган илмий асбоб-ускуналарни сотиб олиш ва давлат илмий-техника дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий лабораторияларини замонавий илмий ускуналар билан қўшимча жиҳозлаш ва зарур сарфланувчи материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлашни ташкил этиш учун:

Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси, «Ўзтрейд» АЖ ва буюртмани берган илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасаси ўртасида уч томонлама шартнома тузилади;

«Ўзтрейд» АЖ белгиланган тартибда ўтказилган хорижий етказиб берувчилар ва ишлаб чиқарувчиларни танлаш асосида улар билан товар етказиб беришга (шу жумладан, зарурият бўлганида товарни илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасасига етказиб бериш, ишга тушириш-созлаш ва бошқа тегишли ишларни амалга оширишга) тегишли контрактларни тузади, шунингдек хорижий валютада молиялаштиришни очиш учун Жамғармага буюртма-нома беради;

«Ўзтрейд» АЖдан товарни қабул қилиб олиш буюртмани берган тегишли илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасаси томонидан бепул асосда амалга оширилади. Бунда товар етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига «Ўзтрейд» АЖ томонидан тақдим этилади.

17. Жамғарма «Ўзтрейд» АЖ томонидан молиялаштиришни очиш учун берилган сўровномага асосан шартномада белгиланган валютадаги суммаларни ўрнатилган тартибда «Ўзтрейд» АЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

18. Тегишли илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасаси учун сотиб олинган илмий асбоб-ускуналар, сарфланувчи материаллар ва бутловчи қисмлар мазкур илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасаларининг бухгалтерия балансига олинади.

19. Буюртмалар билан боғлиқ харажатлар Жамғарманинг Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси томонидан тегишли молия йили учун тасдиқланган даромадлари ва харажатлари прогноз параметрлари доирасида молиялаштирилади.

ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА
ДАВЛАТ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

1141 Ёш олимларни етакчи хорижий илмий марказлар ва университетларга қисқа муддатли илмий стажировкага юборишни ташкил этиш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

[Кўчирма]

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2948*

Кун тартибидаги масалаларни ҳар томонлама чуқур муҳокама қилиб, Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси **қарор қилади:**

2. Ёш олимларни етакчи хорижий илмий марказлар ва университетларга қисқа муддатли илмий стажировкага юборишни ташкил этиш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири,
Давлат комиссияси раиси

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 20 сентябрь,
2-сон

Фан ва технологиялар бўйича
Давлат комиссиясининг 2017 йил
20 сентябрдаги 2-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ёш олимларни етакчи хорижий илмий марказлар ва
университетларга қисқа муддатли илмий стажировкага
юборишни ташкил этиш бўйича танлов ўтказиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқи-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 16 ноябрда эълон қилинган.

қот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 майдаги 302-сон «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда (илмий марказлар ва университетларда), шу жумладан илмий лабораторияларни жиҳозлаш мақсадида сотиб олинadиган замонавий илмий ва технологик асбоб-ускуналарда ишлашни ўрганишлари учун ташкил этиладиган қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш бўйича танлов ўтказиш ва харажатларни Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси ҳузуридаги Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) маблағлари ҳисобидан қоплаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоида

1. Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларга (илмий марказлар ва университетларга), шу жумладан илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун харид қилинадиган юқори технологик асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун ташкил этиладиган қисқа муддатли илмий стажировкаларга (бундан буён матнда илмий стажировкалар деб юритилади) юбориш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) томонидан тақдим этилган асосланган ҳисоб-китобларга асосан Жамғарманинг тегишли молия йили учун Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси (бундан буён матнда Давлат комиссияси деб юритилади) томонидан тасдиқланadиган Жамғарма даромадлари ва харажатларининг прогноз параметрларида кўзда тутилади.

2-боб. Илмий стажировкаларга юбориш бўйича танлов ўтказиш

2. Илмий стажировкаларга юбориш бўйича таклифларни умумлаштириш, номзодларни саралаш танловини ташкил этиш ва ўтказиш Агентлик томонидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларида белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан илмий стажировкаларга юбориш Жамғарма маблағлари ҳисобидан танловдан ташқари мақсадли тарзда молиялаштирилади.

4. Илмий стажировка ўташга чет тилини эркин билadиган ва етарли даражадаги илмий малакага эга илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва техник-муҳандис ходимлари номзод сифатида тавсия этилади.

5. Етакчи хорижий илмий ташкилотларда (илмий марказлар ва университетларда) стажировка ўташга қуйидаги талабларга жавоб берадиган илмий ва техник-муҳандис ходимлар юборилади:

хорижий тилларни етарли даражада биладиган (TOEFL — 500 дан кам бўлмаган ёки IELTS — 4,5 дан кам бўлмаган), зарур амалий тажрибага эга; тиббий соғлом ва диспансерлар рўйхатида турмаган;

қабул қилувчи томон билан олдиндан келишилган, илмий стажировка таклифномаси (дастури) мавжудлиги;

номзоднинг ёши 25 дан 45 гача бўлиши;

илмий стажировканинг давомийлиги 3 — 6 ой бўлиши.

6. Илмий стажировкаларга номзодларни саралаш танловида устуворлик Давлат илмий-техника дастурларини бажаришда иштирок этувчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларини илмий, технологик ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) ва илмий лабораторияларни зарур сарфланувчи материаллар ва бутловчи қисмлар билан узлуксиз таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2947, 2017 йил 15 ноябрь) мувофиқ принципиал жиҳатдан янги, замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган илмий лабораториялари мавжуд ёки Давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ жиҳозланиши режалаштирилган илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг ёш олимларига берилади.

7. Илмий стажировкалар бўйича якуний танлов ҳар йили август ойида ўтказилади. Агентлик илмий стажировкаларга юбориш бўйича саралаш танлови ҳақидаги эълонни танлов ўтказишдан икки ой олдин оммавий ахборот воситалари, шунингдек интернет-нашрлар ва Агентликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

8. Танловни ўтказиш ҳақидаги эълонда қуйидаги маълумотлар бўлиши зарур:

танловни ўтказиш муддатлари;

танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар;

зарур ҳужжатлар рўйхати;

боғланиш учун телефонлар ва электрон манзиллар.

9. Илмий стажировка ўташга номзодларнинг ҳужжатлари илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари бевосита бўйсунувчи вазирлик ёки идораларнинг (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади) расмий хати асосида Агентликка тақдим этилади.

Бунда буюртмачи томонидан ўтказилган дастлабки танлов натижалари ҳамда илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг Илмий кенгаши қарори илова қилинади.

10. Буюртмачи томонидан илмий стажировка ўташга тавсия қилинувчи номзодларнинг қуйидаги ҳужжатлари Агентликка тақдим этилади:

буюртмачининг йўлланма хати ва мазкур Низом иловасига мувофиқ шаклдаги Ёш олимларнинг етакчи хорижий илмий ташкилотларда (илмий марказлар ва университетларда), шу жумладан илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинadиган замонавий илмий ва технологик асбоб-

ускуналарда ишлашни ўрганишлари учун ташкил этиладиган қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш режаси;

ходими ёш олим ҳисобланадиган илмий-тадқиқот муассасаси (олий таълим муассасаси) томонидан тасдиқланган ва қабул қилувчи томон билан олдиндан келишилган, илмий стажировка таклифномаси ва дастури лойиҳаси;

номзодларнинг белгиланган шаклдаги маълумотнома-объективкаси (анкета);

олий таълим муассасасини тугатганлигини тасдиқловчи дипломларнинг нусхаси;

илмий даражасини (фан номзоди, PhD ва фан доктори), илмий унвонини (катта илмий ходим, доцент, профессор) тасдиқловчи дипломларнинг нусхаси (агар мавжуд бўлса);

меҳнат дафтарчасининг нусхаси;

фуқаролик паспортининг нусхаси;

номзоднинг 3 x 4 см ўлчамдаги оқ фондаги рангли фотосурати (4 дона); чет тилидан билим даражасини белгилувчи амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий квалификация сертификати, IELTS, TOEFL ва шу кабилар) (агар мавжуд бўлса).

11. Ушбу Низомнинг 10-бандида белгиланган зарур ҳужжатларни кўриб чиқиш, мутахассислик фанидан чет тилида суҳбат ўтказиш, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим даражаси ва кўникмаларини аниқлаш бевосита буюртмачи томонидан амалга оширилади.

12. Буюртмачиларнинг илмий стажировкалар бўйича таклифлари 10 кунлик муддатда Агентлик томонидан умумлаштирилиб, Махсус эксперт гуруҳига хулоса олиш учун киритилади.

13. Махсус эксперт гуруҳи Агентликнинг буйруғи асосида ҳар йили янги таркибда тузилади.

14. Махсус эксперт гуруҳи ўз йўналишида камида 5 йил меҳнат стажига эга бўлган юқори малакали (турли вазирлик, идоралар, илмий ва илмий-тадқиқот муассасалари) мутахассислардан ташкил этилади. Бунда махсус эксперт гуруҳи раҳбари, зарур ҳолларда, тор ихтисослашувдаги қўшимча мутахассисларни (шу жумладан, ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлардан) экспертиза ишига жалб қилиши мумкин.

15. Махсус эксперт гуруҳи мажлисини ўтказиш учун кворум унинг таркибининг 70 фоизини ташкил этади. Махсус эксперт гуруҳининг барча мажлислари ва барча қабул қилинган қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилади.

16. Махсус эксперт гуруҳи бир ойлик муддатда киритилган таклифларни тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиб, якуний хулосани Давлат комиссиясига киритиш учун Агентликка тақдим этади.

17. Агентлик танлов натижаларини умумлаштиради ва уларни тасдиқлаш учун Давлат комиссиясига тақдим этади.

18. Илмий стажировка ўташга юбориш Жамғарма томонидан танлов якунига мувофиқ Давлат комиссиясининг тегишли қарори қабул қилингандан сўнг амалга оширилади.

3-боб. Илмий стажировкаларни молиялаштириш

19. Махсус эксперт гуруҳларининг якуний хулосаларига мувофиқ танлаб олинган номзодларни илмий стажировкаси билан боғлиқ харажатлари тегишли молия йилида Жамғарманинг ушбу мақсадлар учун режалаштирилиши кутилаётган маблағлари доирасида бўлиши зарур.

20. Илмий стажировкалар билан боғлиқ харажатлар Жамғарманинг тегишли молия йили учун Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган даромадлари ва харажатлари прогноз параметрлари доирасида молиялаштирилади.

21. Илмий стажировкалар бўйича харажатлар Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси, Агентлик, ходими ёш олим ҳисобланадиган илмий-тадқиқот муассасаси (олий таълим муассасаси) ҳамда етакчи хорижий илмий ташкилотлар (илмий марказлар ва университетлар) ўртасидаги шартнома асосида илмий тажриба орттириш шартлари, талаблари ва муддатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ёш олимларни ётақчи хорижий илмий марказлар ва университетларга қисқа муддатли илмий стажировкага юборишни ташкил этиш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Ёш олимларнинг ётақчи хорижий илмий ташкилотларда (илмий марказлар ва университетларда), шу жумладан илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинadиган замонавий илмий ва технологик асбоб-ускуналарда ишлашни ўрганишлари учун ташкил этиладиган қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш
РЕЖАСИ**

Т/р	Ф.И.О.	Иш жойи ва лавозими (илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасаси)	Илмий стажировканинг мақсад ва вазифалари	Илмий стажировка ўтказиладиган давлат, қабул қилувчи ташкilotлар	Илмий стажировканинг давомийлиги	Илмий стажировка учун талаб этиладиган маблағ (транспорт ва яшаш харажатлари)	Қутилаётган натижалар
Ёш олимларни қисқа муддатли илмий стажировкалари (6 ойгача)							
1.							
2.							
3.							
Илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинadиган замонавий илмий ва технологик асбоб -ускуналарда ишлашни ўрганиш бўйича илмий стажировкалар (3 ойгача)							
1.							
2.							
3.							

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1142 «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва 2009 йил 18 декабрдаги 319-сон «Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 18 декабрдаги 21-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2649, 2015 йил 19 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 3-сон, 32-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 20 октябрь,
115-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил
20 октябрдаги 115-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан
ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Буйруқнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 319-сон «Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**».

2. Низомда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги ва «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 18 декабрдаги 319-сон «Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартибини белгилайди.»;

б) 7-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Иш стажини» деган сўзлар «Мутахассислик бўйича иш стажини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 14-банднинг иккинчи хатбошисидаги «учинчи ҳамда иккинчи» деган сўзлар «учинчи, иккинчи ҳамда биринчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 16-банднинг иккинчи хатбошисидан «биринчи ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

д) 22-бандда:

бешинчи ва саккизинчи хатбошилардаги «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўн иккинчи хатбошидаги «уч йил» деган сўзлар «икки йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги учун талабгор ва ташкилот раҳбари масъул ҳисобланади.»;

е) 23-банддаги «аттестациянинг иккинчи босқичида» деган сўзлар «аттестацияда» деган сўз билан алмаштирилсин;

ж) 28-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

з) 29-банддаги «Аттестациянинг иккинчи босқичи» деган сўзлар «Аттестация» деган сўз билан алмаштирилсин;

и) 31-бандда:

биринчи хатбошидаги «Аттестациянинг иккинчи босқичида» деган сўзлар «Аттестацияда» деган сўз билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «аттестациянинг иккинчи босқичида» деган сўзлар «аттестацияда» деган сўз билан алмаштирилсин;

к) 32-банддаги «Аттестациянинг биринчи ва иккинчи босқичи натижалари» деган сўзлар «Аттестация натижаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) 33-бандда:

биринчи хатбошидаги «Аттестациянинг иккинчи босқичи» деган сўзлар «Аттестация» деган сўз билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «аттестациянинг биринчи ва иккинчи босқичида» деган сўзлар «аттестацияда» деган сўз билан алмаштирилсин;

м) 34-банднинг биринчи хатбошидаги «аттестациянинг иккинчи босқичи» деган сўзлар «аттестация» деган сўз билан алмаштирилсин;

н) 36-бандда:

биринчи хатбошидаги «Аттестациянинг биринчи ёки иккинчи босқичида» деган сўзлар «Аттестацияда» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «аттестациянинг бир ёки икки босқичида» деган сўзлар «аттестацияда» деган сўз билан алмаштирилсин.

о) 40-банднинг биринчи хатбошиси «ёзма равишда апелляция шикоят бериш» деган сўзлардан кейин «ёки судга мурожаат қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

п) 2-илова мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

Молия вазири

Б. ХОДЖАЕВ

2017 йил 20 октябрь

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

А. ХАИТОВ

2017 йил 20 октябрь

*Ўзбекистон Қасаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Қ. РАФИҚОВ

2017 йил 20 октябрь

«Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчага
ИЛОВА

«Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

(ташқи қисми)

3. АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ:

Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 31-бандига мувофиқ талабгор _____

(фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ малака тоифасига _____ деб топилди.
(малака тоифаси) (лояиқ ёки нолояиқ)

Аттестация комиссияси раиси:

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

Аттестация комиссияси раиси ўринбосари:

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

Аттестация комиссияси аъзолари:

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

Аттестация комиссияси котиби:

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (аттестация комиссиясининг тулиқ номи)

МАЛАКА ТОИФАСИ ОЛИШГА ТАЛАБГОР

_____ НИНГ

(фамилияси, исми, отасининг исми)

АТТЕСТАЦИЯ ВАРАҚАСИ

1. ТАЛАБГОР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР	2. АТТЕСТАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ:
1. Фамилияси, исми, отасининг исми: _____	Сухбат ўтказилган сана: 20__ йил «__» _____
2. Иш жойи ва лавозими: _____	1) Савол _____ <small>(саволнинг қисқача мазмуни)</small>
3. Туғилган йили: _____	Жавоб: _____ балл билан баҳоланди.
4. Миллати: _____	2) Савол _____ <small>(саволнинг қисқача мазмуни)</small>
5. Маълумоти: _____	Жавоб: _____ балл билан баҳоланди.
<small>(олий ёки ўрта махсус, касб-хунар, тамомлаган таълим муассасасининг номи, тамомлаган йили, диплом серияси ва рақами)</small>	3) Савол _____ <small>(саволнинг қисқача мазмуни)</small>
6. Магистратурани тамомлаган ёки қайта тайёрлашдан ўтган мутахассислиги: _____ <small>(муассаса номи, тамомлаган йили)</small>	Жавоб: _____ балл билан баҳоланди.
7. Аттестация ўтказиладиган мутахассислик: _____	4) Савол _____ <small>(саволнинг қисқача мазмуни)</small>
8. Малака тоифаси олиш учун малака оширганлиги ҳақида маълумот: _____ <small>(малака оширилган муассаса номи, йили ва малака ошириш даврийлиги)</small>	Жавоб: _____ балл билан баҳоланди.
9. Аттестациядан ўтаётган мутахассислиги бўйича олдинги олган малака тоифаси тўғрисидаги маълумот: а) малака тоифаси _____	5) Савол _____ <small>(саволнинг қисқача мазмуни)</small>
б) малака тоифаси берган аттестациядан ўтказувчи орган, берилган йили, буйруқ рақами: _____	Жавоб: _____ балл билан баҳоланди.
Талабгорнинг имзоси: _____	Аттестацияда умумий тўпланган балл: _____ (_____ %)
Тўлдирилган вақт: 20__ йил «__» _____	Аттестация комиссияси котибининг имзоси: _____
	Тўлдирилган вақт: 20__ йил «__» _____

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

1143 **Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1477-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 12 майдаги 10/6-сонли қарори (рўйхат рақами 1477, 2005 йил 30 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 22-сон, 163-модда) билан тасдиқланган Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 28 октябрь,
29/3-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил
28 октябрдаги 29/3-сон қарорига
ИЛОВА

**Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари
бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 11-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) агар қимматли қоғозлар бланкалари прокуратура, тергов, суриштирув ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар томонидан қўзғатилган жиноий ишларига қўшиб қўйилган бўлса;».

2. 21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Далолатнома банк Бошқаруви раисининг имзоси билан тасдиқланади ва муҳр қўйилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1144 Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларининг 29-бандига қўшимча кириштириш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1988-3*

Ўзбекистон Республикаси «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 24 июндаги 72-сон буйруғи (рўйхат рақами 1988, 2009 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 353-модда) билан тасдиқланган Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларининг 29-банди иккинчи хатбошисидagi «муҳр билан» деган сўзлардан кейин «(муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош директор

А. ФАЙЗУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 6 ноябрь,
20-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1145 Товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир гувоҳноманинг ҳамда товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш қоидаларининг 16-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2873-1*

Ўзбекистон Республикаси «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Бош директорининг 2017 йил 27 мартдаги 17-сон буйруғи (рўйхат рақами 2873, 2017 йил 10 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 260-модда) билан тасдиқланган Товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир гувоҳноманинг ҳамда товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш қоидаларининг 16-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги маълумотлар Товар белгилари давлат реестрига ёки Товар келиб чиққан жой номлари давлат реестрига киритилади ва Агентликнинг ўз расмий веб-сайтида ҳам жойлаштириладиган расмий ахборотномасида эълон қилинади.».

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош директор

А. ФАЙЗУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 6 ноябрь,
21-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1146 Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агент-
лигининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва
аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш қоидаларига ўзгар-
тиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1889-3*

Ўзбекистон Республикаси «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **бюроман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2008 йил 25 декабрдаги 100-сон буйруғи (рўйхат рақами 1889, 2009 йил 24 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 5-сон, 45-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош директор

А. ФАЙЗУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 6 ноябрь,
22-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Интеллектуал мулк агентлиги
Бош директорининг 2017 йил
6 ноябрдаги 22-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк
агентлигининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва
аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 7-банднинг «г» кичик банди иккинчи хатбошиси «муҳри билан» деган сўзлардан кейин «(муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 21-банддан «, шунингдек уларсиз апелляция тўлиқ ва объектив кўрилиши мумкин бўлмаган бошқа масалалар ҳал қилинмагунга қадар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 38-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38. Апелляция кенгашининг қарори қабул қилинган санадан эътиборан беш иш куни ичида апелляция ёки ариза берган шахсга ва бошқа манфаатдор шахсларга юборилади ҳамда Агентликнинг ўз расмий веб-сайтида ҳам жойлаштириладиган расмий ахборотномасида эълон қилинади.».

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

1147 **Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2736-1

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги **қарор қилади:**

1. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2015 йил 30 октябрдаги 6 ва к-8-сон қарори (рўйхат рақами 2736, 2015 йил 1 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2015 й., 48-сон, 610-модда) билан тасдиқланган Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Ҳисобга олиш прибори эксперт текширувидан терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирув, тергов, прокуратура органлари ёхуд суднинг қарорига (ажримига), асосан ўтказилиши мумкин.»

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**«Ўздавэнергоназорат»
инспекцияси бошлиғи**

А. НИМАТУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 8 ноябрь,
6-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

**Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори**

А. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 8 ноябрь,
к-4-сон

Келишилган:

*Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси*

Р. ГУЛЯМОВ

2017 йил 6 ноябрь

*«Ўзбекэнерго» АЖ
бошқаруви раиси*

У. МУСТАФОЕВ

2017 йил 30 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

1148 Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2138-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 6 августдаги 312, 19-сонли қарори (рўйхат рақами 2138, 2010 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 35-36-сон, 308-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 3 ноябрь,
21-2017-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 3 ноябрь,
120-сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил
3 ноябрдаги 21-2017, 120-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари
талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тартибини белгилайди.».

2. Илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
олий таълим муассасалари талабаларига
академик таътил бериш тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси олий таълим
муассасалари талабаларига академик таътил
бериш тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Таълим муассасалари талабаларига тиббий кўрсатмалар
бўйича академик таътил беришга оид касалликлар
РЎЙХАТИ**

1. Сил касаллигининг фаол ва асoratланган шакллари.

2. Сурункали кечувчи ўпканинг носпецифик касалликлари билан боғлиқ юрак-ўпка фаолиятлари етишмовчилиги (III даража).

3. II ва III даражали сурункали қон айланиши бузилиши (Нью-Йорк классификатори бўйича III ва IV даража) билан кечувчи юрак клапанлари ва мушакларининг органик ўзгаришлари.

4. II ва III даражали қон босимининг ошиши, тез ривожланувчи қон босим ошиши (хавфли гипертония).

5. Ҳаёт учун хавфли юрак ритми ва ўтказувчанликнинг бузилиши билан кечувчи холатлар (МАС синдроми, АВ қамал II-III даражаси, синус

тугуни заифлиги синдроми, юрак қисқариш сони кундузи бир минутда 50 ва ундан паст бўлса, номуқим гемодинамика билан кечувчи пароксизмал тахикардиялар (САБ 90 мм симоб устунидан паст ҳолат).

6. Барча босқичдаги хавфли ўсма касалликлари (2 йил олдин радикал даволанганлар бундан мустасно).

7. Турғун буйрак етишмовчилиги билан кечувчи буйрак ва бошқа аъзолар касалликлари.

8. Стационар шароитида даволаниш талаб этиладиган ошқозон-ичак тизими яра ва яллиғланиш касалликларининг ўткир даври.

9. Оғир ва қўшма травматик шикастланишлар.

10. Стационар шароитида бир ой муддатдан ортиқ даволаниш ва реабилитация қилиш зарур бўлган турли этиологиялик жигар касалликлари ва сурункали панкреатит (сурункали гепатитлар, жигар циррози).

11. Эндокрин касалликларининг оғир шакли (акромегалия, диффуз токсик буқоқ, буйрак ости безининг етишмовчилиги, гипотериоз, қандли диабет касаллигининг биринчи тури, Иценко-Кушинг касаллиги).

12. Қон тизими касалликлари:

а) ўткир ва сурункали лейкозлар;

б) Идиопатик тромбоцитопеник пурпура;

в) апластик анемия.

13. Асаб системаси сурункали органик касалликларининг асоратлари натижасида ақл-заковатнинг чуқур ва турғун бузилиши ҳамда психопатик бузилишлар.

14. Шизофрения барча турларининг хуруж даври.

15. Тез-тез такрорланувчи тутқаноқли, тутқаноқсиз ва психомотор хуружлари билан, шунингдек хушнинг хиралашуви ва оғир дисфория билан кечувчи эпилепсия, шу жумладан:

а) кам такрорланувчи хуружлар билан шахснинг чуқур ўзгариши ва ақл-заковат бузилиши билан кечувчи эпилепсия;

б) эпилептик психозлар.

16. Тез-тез хуружланувчи циклотимия, маниакал депрессив психоз ва тез-тез такрорланувчи маниакал депрессив ҳолатлар.

17. Психопатиянинг тез-тез декомпенсацияланиши билан кечувчи турлари.

18. Оғир, сурункали кечувчи тери касалликлари:

а) асоратланган псориаз;

б) пурсилдоқ яра;

в) Лайелл синдроми;

г) Стивенс-Жонсон синдроми.

19. Захмнинг юқумли босқичи.

20. Трахоманинг I, II, III даражалари.

21. Гиёҳвандлик, токсикоманиянинг барча турлари (тамакига тобелик бундан мустасно).

22. Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС/ОИВ).».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1151 Тижорат банклари балансида турган алоҳида
объектларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг
65-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2589-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПФ-5022-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириш ҳамда тижорат банкларининг кўчмас мулк объектлари негизида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 13 майдаги 332-В, 40, 69 ва 01/22-26/75-сон қарори (рўйхат рақами 2589, 2014 йил 28 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 22-сон, 263-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари балансида турган алоҳида объектларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 65-бандидан «аукцион ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2017 йил 15 ноябрь,
332-В-2-сон

М. НУРМУРАТОВ

Молия вазири

Тошкент ш.,
2017 йил 15 ноябрь,
152-сон

Б. ХОДЖАЕВ

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2017 йил 15 ноябрь,
150-сон

**Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси**

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 ноябрь,
01/16-1-10/28-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2017 йил 11 ноябрдан 17 ноябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 28 октябрдаги 29/5-сон «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1697-4.

2. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 2 ноябрдаги 14-мх-сон «Ўзбекистон Республикасида футбол клуби тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 218-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 7 ноябрдаги 9, 01/15-1-10/26-сон «Хўжалик бирлашмаларининг корхоналар тезкор фаолиятига асоссиз аралашувини тўхтатиш устидан мониторингни амалга ошириш механизми тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини юқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1243-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 7 октябрдаги 27/7-сон «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 773-35.

5. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 3 ноябрдаги 20-2017-сон «Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2686-1.

6. Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссиясининг 2017 йил 20 сентябрдаги 2-сон «Давлат илмий-техника дастурларини бажаришда иштирок этувчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларини илмий, технологик ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) ва илмий лабораторияларни зарур сарфланувчи материаллар ва бутловчи қисмлар билан узлуксиз таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2947.

7. Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссиясининг 2017 йил 20 сентябрдаги 2-сон «Ёш олимларни етакчи хорижий илмий марказлар ва университетларга қисқа муддатли илмий стажировкага юборишни ташкил этиш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2948.

8. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 20 октябрдаги 115-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-1.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 28 октябрдаги 29/3-сон «Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1477-2.

10. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2017 йил 6 ноябрдаги 20-сон «Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларининг 29-бандига қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1988-3.

11. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2017 йил 6 ноябрдаги 21-сон «Товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир гувоҳноманинг ҳамда товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш қоидаларининг 16-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2873-1.

12. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2017 йил 6 ноябрдаги 22-сон «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1889-3.

13. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 8 ноябрдаги 6, к-4-сон «Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2736-1.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 3 ноябрдаги 21-2017, 120-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2138-1.

15. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2017 йил 6 ноябрдаги 23-сон «Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқларни бериш ва лицензия шартномаларидан фойдаланиш, интеграл микросхемалар топологиясига бўлган ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман бериш, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурга, маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни бутунлай ёки қисман ўзгаларга бериш ва мулкӣ ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1481-3.

16. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 7 ноябрдаги 01/16-2-10/25, 276-В-3-сон «Санация қилинаётган корхона махсус санация ҳисобварағининг ишлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1636-3.

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўми-

тасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 332-В-2, 152, 150, 01/16-1-10/28-сон «Тижорат банклари балансида турган алоҳида объектларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 65-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2589-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Хўжалик бирлашмаларининг корхоналар тезкор фаолиятига асоссиз аралашувини тўхтатиш устидан мониторингни амалга ошириш механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1243, 2003 йил 26 май).

Адлия вазирининг 2017 йил 13 ноябрдаги 372-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.